Ушбу сонда:
2 Муаммо кўндаланг қўйилади — ЯНА МАЖБУРИЙ ТАЪТИЛМИ?
3 ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ ЭЪЗОЗЛАБ
4 Спорт — АНДИЖОН МАКТАБИНИНГ ШУҲРАТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 15 июн, жума №92 (1106)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН - «ШАНХАЙ ФОРУМИ» АЪЗОСИ

14 июн, Шанхай. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Шанхай бешлиги»нинг олий даражадаги учрашувида қатнашиш учун 14 июн куни Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрига келди.

Шанхай саммитига ташриф буюрган олти мамлакат давлат раҳбарлари «Шанхай Сицзяо» меҳмонхонасига йиғилди. Бу ерда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари Ўзбекистоннинг «Шанхай форуми»га тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолади. Ўзбекистоннинг тузилма фаолиятида тенг ҳуқуқли иштироки, дейилади баёнотда, Шанхайда 1996 йилда ва Москвада 1997 йилда имзоланган ҳарбий соҳада ҳамда чегара туманларида қуролли кучларни қисқартириш борасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, шунингдек, аъзо давлатлар раҳбарлари ўртасида эришилган бошқа шартномаларда ўз аксини топган тамойилларга амал қилишини кўзда тутади. Ушбу тамойиллар «Шанхай форуми» аъзоларининг ўзаро муносабатлари асосини белгилайди.

Шу ўринда масаланинг бир жиҳатига эътиборни қаратмоқчимиз. Гап иқтисодиётми, сиёсатми, ижтимоий соҳа ё хавфсизликми, нима ҳақда боришидан қатъи назар, Марказий Осиёда муҳим ўрин тутувчи Ўзбекистонсиз 1996 йилда асос солинган «Шанхай бешлиги» мукаммаллик касб эта олиши қийин эди. Мамлакатимиз бу тузилмага аъзо бўлган уч мамлакат - Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан бевосита чегарадош. Улар билан иқтисодий ришталар, сиёсий ҳамжиҳатлик, ижтимоий алоқалар азалийдир. Бундан ташқари, Президентимиз таъкидлаганидек, 50 миллионлик нуфузга эга Марказий Осиё аҳолисининг ярми Ўзбекистонда яшайди. Қолаверса, Россия ва Хитой мамлакатимизни ўзининг стратегик ҳамкори санайди. Шундай экан, Ўзбекистоннинг мазкур тузилмага қўшилиши, биринчи навбатда, фаолият кўлами кенгаяётган, ўзининг янги ривожланиш палласига кираётган «Шанхай форуми» учун муҳим ва фойдалидир.

Тузилмага янги аъзо қабул қилиниши ҳамда фаолият доираси кенгайиши муносабати билан унинг номини ҳам ўзгартириш - Шанхай ҳамкорлик ташкилоти деб аташ мўлжалланмоқда. Ўзбекистон Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон билан бир қаторда, янги бирлашма таъсисчиларидан бири бўлиш ва улар билан биргаликда Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисидаги декларация ҳамда террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясини имзолашга тайёрлигини билдирди.

Бу ҳужжатларга эртага имзо чекилади. Шундан сўнг «Шанхай форуми» Шанхай ҳамкорлик ташкилотига айланади ва Ўзбекистон унинг асосчиларидан бири бўлади.

Бугун эса қўшма баёнот имзолангандан сўнг, олий даражадаги учрашув қатнашчилари эсдалик учун суратга тушди. Шу ернинг ўзида президентларнинг тор доирадаги қисқача мулоқоти бўлиб ўтди.

Шундан сўнг ХХР Раиси Цзян Цзэмин номидан юксак мартабали меҳмонлар шарафига қабул маросими уюштирилди.

Ислом Каримов саммит қатнашчилари қаторида Шанхай катта театрида бўлиб, махсус концерт дастурини томоша қилди.

Шанхай учрашувлари доирасидаги асосий расмий учрашувлар эртага бўлади.

(ЎзА).

Бухоро шаҳридаги «Бухоро» бизнес-инкубатори қизиқувчилар учун ўқишнинг янги турини жорий этди. У «Уйдан чиқмай туриб, АҚШда таълим олиш» деб аталади. Бу ўқув тури машғулотлари интернет тармоғи орқали олиб борилади.

АҚШДА ЎҚИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Инглиз тилини билувчилар менежмент асослари, менежмент тизимида ахборот, маркетинг асослари, инглизча техник тил, иқтисодиёт асослари, иқтисодий ривожланиш факторлари каби ихтисосликлар бўйича уч ой давомида таълим олиши мумкин. Ўқув якунларига кўра, битирувчиларга Оклахома (АҚШ) университети сертификати берилади. Агарда ўқувчи 8 та ана шундай курсни муваффақиятли битирса, унга университет лицензияси (иккинчи ихтисослик дипломига эквивалент) топширилади. Яна бир янгилик. Бу ерда болалар ва катта ёшдагилар инглизчани интенсив ўрганиш қисқа муддатли курсида ҳам ўқишлари мумкин. Бу ўқув дастури Буюк Британияда ишлаб чиқилган. Шуниси эътиборликки, мазкур машғулотда ўқитувчи иштирок этмайди, ўқувни компьютер олиб боради.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Мўғилистонда бирданига иккита йирик мусобака - юнон-рум ва эркин кураш бўйича Осиё чемпионатлари ўз нихоясига етди.

Юнон-рум кураши бўйича ўтказилган мусобақаларда турнирнинг бош соврини учун 13 мамлакат полвонлари ўзаро бел олишди. Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида эронликлардан сўнг иккинчи ўринни эгаллади. Ҳамюртимиз Алексей Чеглаков 97 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритиб, Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлди. Руслан Биктяков кумуш, Савриддин Наврўзов, Евгений Ярофайлов ва Шермуҳаммад Қўзиев эса бронза медаллар соҳиби бўлишди.

15 мамлакат спортчилари ўртасида эркин кураш бўйича бўлиб ўтган мусобақалар ҳам кескин ва муросасиз баҳслар остида ўтди. Ушбу беллашувларда полвонларимиз Дамир Захриддинов ва Аслан Санакоев юртимизга кумуш медаллар билан қайтишди.

БОШ СОВРИН САРИ

Sanex WTA tour «Тошкент опен» олтинчи халқаро теннис турнирида қизғин курашларга тўла яна бир кун ўтди. У ҳамюртимиз Ирода Тўлагановага навбатдаги ғалабани келтирди. Бу сафар Ирода беларуслик спортчи Надежда Островскаяни 6/3, 7/5 ҳисобида мағлуб этди ва бош соврин сари яна бир қадам ташлади.

Кейинги босқичга испаниялик Валеро Кристина Торренс ҳам чиқди. Унинг венгриялик Аника Капрос билан учрашуви 6/3, 6/4 ҳисобида якунланди. Беларуслик Татьяна Путчек индонезиялик Уинн Пракусега 4/6, 6/3, 6/2 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Жуфтликлар баҳсида ғалаба венгриялик Петра Мандула ва австриялик Патрисия Вартуш томонида бўлди. Улар италиялик Татьяна Гарбин ва словакиялик Жанетт Хусаровани 1/6, 6/2, 6/3 ҳисобида мағлуб этди.

(ЎзА).

ЎТГАНЛАР ХОТИРАСИ - МУҚАДДАС

Президентимизнинг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан жойларда, айниқса, пойтахтимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ташаббуси билан «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини очиш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг раиси Наим Каримов бошқарган ушбу йиғилишда мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда неча минг йиллик қадриятларимиз ва анъаналаримизни тиклаш, буюк бобокалонларимиз бебаҳо ижодий меросидан халқимизни баҳраманд этиш билан бирга, минглаб фидойи аждодларимиз хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Анжуманда иштирок этган қатағон қурбонлари авлодларидан бир гуруҳи неча йиллардан буён ўз хонадонларида муқаддас билиб сақлаб келаётган тарихий ашёларни музей ташкилотчиларига топширди.

(ЎзА).

Ташаббус сўнмасин!

Ўқувчилар ёзги таътилини кўнгилли ўтказишларига эришиш касаба уюшмаларининг бугунги кундаги бош вазифаларидан. Лекин бозор иқтисодиёти юзага келтирган вақтинчалик мураккабликлар шароитида бу иш осон кечмаяпти. Шундай бўлса-да норинликлар янги болалар оромгохи бунёд этишдики, бу ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

ОРОМГОҲ ҲАШАР УСУЛИДА ҚУРИЛДИ

— Очиғи, кейинги йилларда болалар оромгоҳларида соғломлаштириш ишларидан кўнглимиз тўлмай келаётганди, — дейди Норин туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Ниёзхон Мирзабоева. — Олдинлари шу мақсадда фойдаланиб келинган жойлар қаровсиз қолган, уларни қайта тиклаш имкони йўқ эди. Мақсадимизни вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Файзулло Паёзов маъқуллаб, ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёрлигини айтди.

Туман ва вилоят тармоқ қўмиталари раҳбарлари гапни бир жойга қўйиб маслаҳатлашиб олишгандан кейин бу масала туман ҳокимлиги олдига қўйилди. Қолаверса, улар ҳудуддаги шунга муносиб ерни излашган ва ниҳоят топишган ҳам эди. Энди ҳамма гап ҳокимлик рухсатини олишда қолганди.

Туман ҳокими С.Отамирзаев уларнинг таклифини қўллаб-қувватлади. Катта Ўлмас қишлоғидаги дам олиш ҳудуди маъқул келганини эшитиб шундай деди:

— Шу бугуннинг ўзида ҳокимлик вакиллари сиз танлаган жойни ўрганади ва кечқурун хулосамизни айтамиз.

Ўша куни оқшомда тумандаги хўжаликлар ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Касаба уюшма ташкилотлари раҳбарларининг ўқувчиларни ёзги соғломлаштириш бўйича режалари баён қилинди. Ташаббус маъқулланди. Шу тариқа ҳар бир хўжалик, ташкилот раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилди. Собиқ дам олиш ҳудудида бўлажак болалар оромгоҳини бунёд этиш бўйича штаб тузилди. Туман ҳокими қурилишни бошланишидан охиригача назорат қилиб боришни ўз зиммасига олди. Ҳар куни эрталаб соат 5 да амалга оширилаётган ва бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳисоботи эшитиб борилди.

Қисқа фурсатда «Катта Ўлмас» жамоалари ва «Тола» ҳиссадорлик жамияти ҳам баҳоли-қудрат ўз улушларини қўшдилар. Нефт маҳсулотлари корхонаси ўша ердаги кўлни тозалаб тартибга келтирди ва фаввора қуриб берди. «Ғалаба» хўжалиги эса 330 ўринли ошхонани тиклади. Туман хусусий савдо уюшмаси оромгоҳга ёритгичлар ўрнатди. Йўл қурилиши ташкилоти асфальт ётқизди.

Болалар оромгоҳи бунёд этиш ташаббускорлари ҳисобланган вилоят ва туман касаба уюшма тармоқ қўмиталари ҳам ҳашардан четда қолмадилар. Ушбу ташкилотлар кўрпа-тўшаклар, каравотлар ва ошхона буюмлари, сочиқ ва чойшаблар келтиришди.

Туман халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари ўғил-қизларнинг бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқариши ҳамда саломатликларини мустаҳкамлаб қайтишлари учун зарур чораларни кўрди. 10 нафар тарбиячи, ошпазлар, спорт ташкилотчилари, мусиқа раҳбари, кутубхоначи, тиббиёт мутахассислари болажонлар хизматига етиб келишди.

Шу тариқа 45 кун деганда қаровсиз қолган маскан қулинг ўлгирсин, кўрса ҳавас қиладиган оромгоҳга айланди. 1 Июн — Болаларни халқаро ҳимоя қилиш кунида 300 нафардан ортиқ ўғил-қиз оромгоҳга кириб келди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.



2001 йил - Оналар ва болалар йили

ГЎДАКЛАР - ШИФОКОРЛАР НАЗОРАТИДА

Республика Педиатрия илмий текшириш институтида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Болалар касалликларини даволашни интеграциялашган равишда олиб бориш» дастурининг Ўзбекистон шароитига мослаштирилган асосий йўналишлари ишлаб чиқилди. Ёш авлодни кенг миқёсда тиббий кўрикдан ўтказишга қаратилган мазкур йўналишларда биринчи галда чақалоқларга тез тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ҳамда хасталикларга қарши курашни муайян дастур асосида олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган.

Айни вақтда жамоанинг бир гуруҳ мутахассислари ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Она ва бола» давлат дастури доирасида Хоразм, Самарқанд ва Наманган вилоятларидаги болалар тиббиёт муассасаларида ўқув машғулотлари ўтказмоқда. Бундан кўзланган мақсад фарзанд кўрган оналар соғлиғини мустаҳкамлаш ва энг асосийси - чақалоқлар парваришига оид йўл-йўриқлар беришдан иборатдир.

Яқинда институт ходимлари болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, тезкор муолажалар тайинлаш учун Сирдарё вилоятига йўл олади. Сафар чоғида сурункали хасталикка чалинган болаларни даволаш, соғломлаштириш бўйича маҳаллий шифохоналарда врачларнинг тиббий малакасини оширишга кўмаклашиш ҳам кўзда тутилган.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясининг «Саломатлик» махсус шифокорлик-санитария хизмати вагонлари уланган поезд пойтахтнинг Шимолий темир йўл вокзалидан Тошкент-Навоий вилояти йўналиши бўйича жўнаб кетди. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган вагонларда 15 нафар юқори малакали педиатр, акушер-гинеколог, невропотолог, терапевтлардан иборат шифокорлар бригадаси беморларни қабул қилади.

«САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Поездга «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан умумий қиймати 21 миллион сўмлик дори-дармонлар, болалар озиқ-овқатлари, санитария ва гигиена воситалари, болалар кийим-кечагидан иборат мурувват ёрдами ҳам юкланган.

«Саломатлик» поезди Навоий вилояти ҳудуди бўйлаб Тинчлик, Конимех, Қоракатта, Қизилқудуқ, Учқудуқ станциялари орқали ўтади. Бу ерларда шифокорлар маҳаллий аҳолига, биринчи навбатда хотин-қизлар, болалар ва ногиронларга тиббий ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг автоамбулаториясида чекка туманларга чиқиш кўзда тутилмоқда. Зарур ҳолларда беморлар Навоий ва Тошкентдаги махсус даволаш муассасаларига жўнатилади. Тадбир давомида 10 минг нафар кишини, шу жумладан, 3,5 минг нафар бола ва 3 минг нафар репродуктив ёшдаги аёлни тиббий кўрикдан ўтказиш режалаштирилган. Мурувват ёрдами нафақат шифокор кўригидан ўтганларга, балки, яқин жойлашган туманлардаги бошқа эҳтиёжманд аҳолига ҳам тарқатилади.

(ЎзА).

Қашқадарё вилоят «Дори-дармон» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятининг иқтисодий аҳволи бундан бир йил илгари жуда ночор эди. Хиссадорлар ўтган йилнинг биринчи чорагини 2 миллион 744 минг сўм зарар билан якунлашди. Устига-устак харажатлар ошиб кетди. Ходимларнинг ўртача маоши 3 минг сўмдан ошмас, бирон кишига ҳам дивидент берилмаганди. Акциядорлар навбатдаги йиғилишида ана шу ва бошқа камчиликларни бартараф этиш юзасидан бир фикрга келинди. Товар айланишини ўстириш, жойлардаги фармацевтика корхоналари билан алоқани мустаҳкамлаш ва хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Излаган имкон топади

АКЦИЯДОРЛАР БАНКРОТЛИК ҲОЛАТИДАН ҚАНДАЙ ЧИҚИШДИ?

Изланишлар ўз самарасини кўрсатди. Фақат иккинчи чоракнинг ўзида аҳолига ва муассасаларга 125 миллион сўмлик дори-дармон етказиб берилди. Бу бурноғи йилнинг шу даврига нисбатан 100 миллион сўм кўп эди. Бир йил ичида жамият банкротлик ҳолатидан чиқиб, 7 миллион сўм соф фойда кўрди.

Даволаш-профилактика муассасалари 225 миллион сўм арзон дорилар билан таъминланди, чакана савдо айланмаси 11 миллион сўмга етказилди. Мурувват ёрдами ҳисобига олинган 26 миллион 740 минг сўмлик маҳсулот тегишли тиббиёт муассасаларига тарқатилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида аҳоли ва тиббиёт муассасалари 250 миллион сўмлик дори-дармонлар билан таъминландилар. Йил охиригача бу кўрсаткични 550 миллион сўмга етказиш мўлжалланмоқда. Вилоятдаги хусусий дорихоналарга 34 миллион сўмлик тайёр маҳсулот тарқатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Дори-дармон ва тиббиёт буюмларини сотишни тартибга солиш тўғрисидаги қарорини бажара бориб, 41 миллион 600 сўмлик чегараланган 20 хил дори-дармон ва тиббиёт воситалари даволаш-муолажа муассасаларига етказилди.

Тиббиёт муассасаларини сифатли дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида жамият ҳузурида қадоқлаш цехи ташкил этилиб, 12 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозир бу ерда глюкоза, попаверин каби 30 хил турдаги дорилар тайёрланмоқда.

Яна бир эътиборли томони шундаки, жамият ҳузурида малакали мутахассислардан иборат тендер комиссияси ташкил этилган. Унинг хулосасига кўра заводлардан арзон ва сифатли дорилар олинади. Қалбакилари аниқланса, сериялари кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

— Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш эътиборимизда турибди, — деди касабақўм раиси Нортожи Раҳматова. — Ходимларнинг ўртача ойлик маоши 25 минг сўмга етди. Ишчилар учун ошхона очилди. Ойлик овқат пули бериб бориляпти. Хотин-қизлар гигиена хонаси ишлаб турибди. Сиҳатгоҳларда ишловчиларнинг 50 нафар ўғил-қизлари дам олмоқда.

Беморларга 325 миллион сўмлик 32 турдаги дори-дармонлар мурувват ёрдами сифатида тарқатилди.

ЁЛҚИН.

Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги

«Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси нафақат Хоразм вилоятида, балки республикада энг йирик жамоалардан бири ҳисобланади. Корхона шу йилнинг биринчи чорагига белгиланган режани 113,9 фоизга бажарди.

ЎРТАЧА ОЙЛИК ЎТТИЗ МИНГ СЎМ

Даромадга қараб буромад, дейди халқимиз. Корхона даромади ошган сайин ходимларнинг иш ҳақи ҳам кўтарилиб бораётир. Масалан, шу кунлардаги ўртача иш ҳақи 30 минг сўмни ташкил этмоқда. Бунга овқат пули, мукофот, ўн учинчи ойлик ва бошқалар қўшиб ҳисобланса, бир ойда бир ишловчининг даромади 60 минг сўмдан ошиб кетади.

Топилган даромаднинг бир қисми жамоани ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилмоқда. Яқинда корхонага қарашли Қорақалпоғистон магистрал газ узатиш ишлаб чиқариш корхонасининг бош муҳандиси Эсонбой Шанқаловнинг тоби қочиб қолди. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси унга ва кузатувчиси ҳаражатларини қоплаш учун 52 минг сўмлик маблағ ажратди. Пойтахтдаги шифохоналарнинг бирида ётиб даволанишига эса 100 минг сўм ўтказиб берилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Хусусан, қабул қилинган жамоа шартномасига асосан ишловчининг таътилга чиқиши олдидан соғлиғини мустаҳкамлаши учун бир ойлик миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади. Шифохоналарда ётиб даволанганларнинг 50 фоиз харажати корхона ва касаба уюшма ҳисобидан тўланяпти. Ўтган давр ичида ана шу мақсадларга 784 минг сўм сарфланди. 153 нафар ишчи ва хизматчига 800 минг сўм миқдорида имтиёзли тиббий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари корхона тасарруфидаги «Ҳилол» санаторий-профилакторийсида катта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун 80 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Ётоқхона, ошхона, даволаш бўлимлари жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада қайта таъмирланди. Юмшоқ ва қаттиқ мебеллар янгисига алмаштирилди. Айни чоғда сиҳатгоҳда корхона ишчи-хизматчилари мириқиб дам олиб, саломатликларини тиклашмоқда. «Боғи-Эрам» болалар оромгоҳида эса кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Бу ерда мавсумда 600 нафардан зиёд кичкинтой дам олиши кўзда тутилган. Ҳозирда оромгоҳ ўғил-қизлар билан гавжум. Уларнинг яхши дам олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Уруш ва меҳнат фахрийларини ҳурмат қилиш, эъзозлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Буни тушунган корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси уларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор билан қарамоқда. Хусусан, илгари шу соҳада 20 йилдан ортиқ ишлаган нафақахўрларга ўтган йили касб байрами ва Мустақиллик куни арафасида 6 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Хотира ва қадрлаш кунида 68 нафар уруш фахрийси ва унга тенглаштирилганларга 372 минг сўмлик мукофот пули берилди.

Корхонада камтаъминланган, кўп фарзандли оилаларни қўллаб-қувватлаш, ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Масалан, ходимларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш учун 65 миллион сўмликдан зиёд маблағ ажратилди. Тушликнинг 50 фоизи корхона ҳисобидан қопланмоқда.

Жорий йилда ҳам бу борада бир мунча ишлар қилинди. Жумладан, шу йилнинг биринчи чорагида корхона ўз ҳисобидан кўп болали ва кам таъминланган оилаларга 19 миллион 367,7 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Бу хайрли ишда касаба уюшма қўмитаси ҳам ўз маблағи билан қатнашди. Уйида ногирон фарзанди бўлган оилаларга хўжалик ҳисобидан 2 миллион сўм ажратилди. Хива шаҳридаги 97-махсус интернат ва 20-меҳрибонлик уйига 230,2 минг сўмлик саховат кўрсатилди.

«Оналар ва болалар» йили муносабати билан анча ишлар амалга оширилди. Масалан, ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига 4656 дона совға топширилди. Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларга мурувват кўрсатиш анъанага айланган. 12 ёшга етмаган фарзанди бор 27 нафар аёлнинг меҳнат таътилига 4 кундан қўшиб берилди. Қисқаси, йил охиригача жамоа шартномасида белгиланган барча бандларнинг беками-кўст бажарилишини таъминлаш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда.

Гулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.





Қарши автомобил йўлларидан фойдаланиш ва таъмирлаш участкасининг илғор экскаваторчиси Шоди Холиков ва Кесондаги 92-очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиси Шерқул Раҳмоновлар ўз бахтини меҳнатдан топганлардан. Улар ранжани доимо ортиғи билан уддалаб, ҳамкасбларига намуна бўлишяпти.

Ёрқул ЭШМАТОВ, олган суратлар.

Меҳнат муҳофазаси

Қаерда инсон манфаатига, унинг турмуш тарзига эътибор кучли бўлса, шу жойда муваффақият бўлиши табиий. Бунинг учун яна жамоа шартномаларининг тўлақонли ва мукаммал тузилиши ва унинг ҳар бир банди тўла-тўкис бажарилиши муҳим аҳамият касб этади.

ЛОҚАЙДЛИК – ҚАЛБ ФАЛАЖИ

— Мана шу мақсадда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик компаниясининг Андижон темир йўл дирекцияси ҳамда вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2001-2002 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси тузилганди, — дейди бирлашган касабақўм раиси Абдўрашид Мамажонов. — Мазкур ҳужжатда меҳнаткашларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, табиий муҳитни муҳофаза этиш, меҳнат шароитини яхшилаш, иш ва дам олиш вақти, йиллик таътил, ишловчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва бошқа масалалар ўз аксини топган.

Дарҳақиқат, айни пайтда маъмурият ҳам, касаба уюшма қўмитаси ҳам бу муҳим ҳужжатнинг бандларини тўлақонли бажарилиши учун ҳаракат қилишмоқда. Шу мақсадда 148 нафар ишчи-хизматчига турли сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилди. 40 нафар темир йўлчи фарзандлари эса Тошкент шаҳридаги ҳамда Назарбек номли профилакторийларда даволандилар.

Маданий-оммавий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Умумхалқ ва касб байрамларида дастурхон ёзилди. Болалар оромгоҳларига турли спорт анжомлари ҳамда китоблар топширилди.

Қонунчилик устуворлигини таъминлаш масаласида ҳам муайян ишлар қилинди. Лекин бу борада ҳали анчагина камчиликлар мавжуд. Меҳнат шартномалари ўз вақтида тузилмаётганлиги, уларнинг мазмуни бугунги кун талаблари даражасида эмаслиги шулар жумласидандир. Боз устига айрим ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ҳам ниҳоясига етказилмаган.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масаласи ҳам бирлашган касаба уюшма қўмитасининг асосий вазифаларидан биридир. Шу мақсадда вилоят вагон депоси ҳамда электр тармоқлари бўлимида ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, маблағ билан боғлиқ бўлмаган жойларда ҳам изланувчанлик ва ташаббус етишмаяпти. Ўтган йили дирекция тасарруфидаги корхоналар, бекатлар, бўлинмаларни қишки мавсумга тайёрлаш масаласи кўнгилдагидек амалга оширилмади.

Меҳнатни муҳофаза этишда ҳам камчиликлар мавжуд. Хусусан, дирекция таркибидаги темир йўл ва иншоотларни таъмирлаш корхонасида уста Қаюм Холмирзаев ишлаб чиқариш жараёнида тан жароҳати олиб, 2-гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Бу ерда ушбу масалага оид ҳужжатлар расмийлаштирилиши ва ходимларни ўқитиш ишларига панжа орасидан қаралаётир. Ваҳоланки, меҳнаткашларга хавфсиз иш шароити яратиб бериш ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларига қандай амал қилинаётганини назорат этиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири-ку. Шундай иш юритайликки, ҳар бир ишчи-хизматчи учун хавфсиз, унумли ва баракали меҳнат шароити таъминлансин.

Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири.

«НАФИС» ЧИННИЛАР ЖИЛОСИ

Самарқанддаги «Нафис» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси ишни янгича тартибда ташкил этиш, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида муваффақиятларга эришмоқда.

Самарқанд чиннисининг довруғи дунёга ёйилгани бежиз эмас. Сифати ва чиройлилиги билан корхона маҳсулотлари илгарилари ҳам харидорлар диққатини тортар эди. Лекин хом ашёнинг асосий қисми Россиядан келтирилиши кейинги вақтларда узилишлар бўлишига олиб келди. Мутахассисларнинг изланишлари, жамоада яхши муҳит яратилиши туфайли кейинги пайтларда корхона яна аста-секин ўз мавқеини тиклай бошлади. Айни пайтда заводда 15 турдан ортиқ чинни маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бу ерда кунига 40 минг дона чинни буюм ишлаб чиқарилаётганлиги корхона фаолияти тобора ривожланиб бораётганидан далолат.

- Хом ашёни четдан келтириш бизга қимматга тушади, - дейди жамият раиси Б.Тўрақулов. - Шунинг учун маҳаллий хом ашёдан фойдаланишни кенг йўлга қўйдик. Ишларимиз аста-секин жонланяпти. Ўтган йилни 8 миллион сўм фойда билан якунладик. Маҳсулот бежиримлигини оширишда безакчиларимизнинг хизмати катта. Шунинг учун улар ўртасида мусобақалар ўтказиб турамиз. Яқинда ўтказилган мусобақада Мунаввара Сайфуллиниманинг чизган безаклари кўпчиликка манзур бўлди.

Боқувчиси йўқ, кам таъминланган оилалар фарзандлари завод жамоасининг доимий эътиборида. Корхона шаҳардаги 6-меҳрибонлик уйи ва 68-ўрта мактабни оталиққа олган. Яқинда меҳрибонлик уйининг 40 нафар тарбияланувчисига корхона томонидан ёзги дам олиш оромгоҳларига бепул йўлланма берилди. Шунингдек, самарқандлик чиннисозлар республикамиз мустақиллигининг 10 йиллигини ҳам муносиб совғалар билан кутиб олишга алоҳида ҳозирлик кўрмоқда.

(ЎзА).

Қашқадарёда «Ўзкўргазмасавдо» республика ярмарка савдоси маркази акционерлик жамиятининг «Қашқадарёкўргазмасавдо» шўъба хўжалик жамияти ўз фаолиятини бошлади. Бу ташкилот вилоятда бозор инфратузилмаларини ривожлантиришни янада такомиллаштириш, мамлакатимиз, шу жумладан, Қашқадарё вилоятининг экспорт имкониятларини кенг та-

ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙДИ

рғиб қилиш, доимий фаолият кўрсатувчи ва махсус ярмаркалар, кўргазмалар ташкил этиш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида юридик ва жисмоний (шу жумладан, хорижий) шахслар ўртасида тузилаётган барча турдаги шартномаларни расмийлаштиришда қулай шарт-шароит яратади.

Шўъба корхонаси раҳбари Ғ.Пўлатовнинг айтишича, янги ташкилотнинг дастлабки қадамлари муваффақиятли бўлди. Унинг кўмагида украиналик ҳамкорлар билан Шаҳрисабздаги «Илғор» жамоа корхонаси ўртасида 9 миллион 800 минг сўмлик экспорт шартномаси имзоланди. Унга кўра, шаҳрисабзликлар Украинага момиқ жўнатадиган бўлди.

(ЎзА).

БАКАЛАВР ВА МАГИСТРЛАР ТАҚДИМОТИ

Унда турли корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этиб, ўзлари маъқул деб топган кадрни ишга таклиф этдилар

Истиқлол шарофати ила республикамизда хомашёимизни ўзимиз қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида тақдим этиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу мақсад йўлида бунёд этилаётган корхоналар, замонавий мажмуаларда янги иш ўринлари яратилмоқда. Яна эътиборлиси шуки, энди ўзимизнинг билимдон, зукко, янгиликка ўч ёшларимиз замонавий технологияни моҳирлик билан бошқаришмоқда. Йирик корхоналарни малакали мутахассислар билан таъминлашда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Яқинда ушбу илм масканида бакалавр ва магистрлар тақдимоти бўлиб ўтди. Бу ўзига хос имтиҳон бўлиб, унга ўқитувчи, профессорлар, талабалар узоқ вақт тайёргарлик кўришди. Ҳар бир кадр ўз жойини топишида жойлардан олинган талабфикрлар асосида иш юритилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, «Ўзбек ипаги» уюшмаси тасарруфидаги корхоналар, шунингдек, тўқимачилик, трикотаж, менежмент ҳамда тўқимачилик маҳсулотларини пардозлаш бўйича мутахассисларга талаб катта.

Жами битирувчи бакалаврлар 352 нафар бўлиб, уларнинг 272 таси нуфузли корхона ва ташкилотларга, қўшма корхоналарга, 42 нафари хусусий корхона, фирмаларга шартнома асосида жойлашдилар. 32 нафари эса касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларга сўров хати асосида юборилди. Институт олимларини руҳлантирган нарса яна шу бўлдики, пойтахтимиздаги бир қанча банклар, солиқ идоралари, ҳокимликлар 60 нафар битирувчини ишга таклиф этишди. Демак, институтни тамомлаган аксарият кадрлар кўпчилик ҳавас қиладиган яхши ишларга жойлашдилар.

Тақдимот маросимида қатор битирувчилар сўзга чиқиб, чуқур билим, таълим-тарбия олиш учун барча шароитларни муҳайё этган республикамиз ҳукуматига миннатдорчилик изҳор этдилар. Шунингдек, турли корхона ва идораларнинг раҳбарлари ҳам фикр-мулоҳазаларини баён этиб, бундай маросимлар энг яхши кадрларни танлаб олишда муҳим рол ўйнаётганлигини таъкидладилар. Шу аснода ўзаро манфаатли ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда.

— Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига институтда катта тайёргарлик кўрилмоқда, - дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича ректор ўринбосари Абдусаттор Абдуғаффоров. Илмгоҳга Японияннинг 4 миллион долларлик гранти ажратилди. Ҳукумат лойиҳаси асосида замонавий ўқув куроллари, компьютерлар, уларга зарур программалар, технологик жиҳозлар келтирилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг дастурий режаси асосида ҳам ибратли тадбирлар ишлаб чиқилган. Унга кўра барча факультетларда «Ватан мустақиллигига менинг ҳиссам» мавзуида кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Энг яхши дарсликлар яратган профессор-ўқитувчилар муносиб равишда рағбатлантирилмоқда. Спорт мусобақалари, ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Д.АЛЛАҚУЛОВА,
«Ишонч» мухбири.

УЧТА ҚЎШМА КОРХОНА

Сирдарё вилояти хорижий сармояларни кенг жалб қилиш учун етарлича иқтисодий салоҳият ва табиий ресурсларга эга. Вилоят ҳокимлигида мазкур масалага бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Сирдарё вилояти ҳокими А.Исроилов сўзга чиқди.

Таъкидландики, вилоят туманлари иқтисодиётини ривожлантириш учун хорижий сармояларни жалб қилиш устувор вазифалардан ҳисобланади ва бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Вилоят ҳудудида рўйхатга олинган 20 та қўшма корхонанинг кўпчилиги муваффақиятли ишлаб, ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. Ҳозирги пайтда яна учта қўшма корхона ташкил этилмоқда. Бироқ, илгари ташкил этилган 7 та қўшма корхона ўз фаолиятини тўхтатди. Бунинг асосий сабаби корхоналарнинг четдан келтириладиган хомашё асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашганидир. Вилоятнинг Меҳнатобод, Ховос ва Оқолтин туманларида хорижий инвесторлар билан ишлаш борасида ижобий силжишларга эришилмаган.

Муаммо кўндаланг қўйилади

«Шўрчи мебел» ҳиссадорлик жамиятига кўз тегди. 2001 йилнинг ярми ўтяптики, ишлар ҳамон ўлда-жўлда. Жамиятнинг ишлаган кунидан, ишламаган вақти кўп. Шу боис ишчи-хизматчиларнинг кўпчилиги мажбурий таътилга чиқарилган. Хўш, аҳвол шу даражага етган экан, жамоа аъзоларининг иқтисодий аҳволи қандай? Ушбу саволга жавоб олиш мақсадида яқинда мазкур жамиятга ташриф буюрдик.

ЯНА МАЖБУРИЙ ТАЪТИЛМИ?

Таассуфки, у ерда аввалига бизни чалғитишга уринишди. Бундай дейишимиз боиси жамият раҳбарлари «иш кетяпти» деган мазмунда юқори идораларга маълумот бериб, папкаларни тўлғазиб юришган экан. Ҳатто соф фойда ҳисобидан ишчиларни тўла ижтимоий ҳимоя қиляпмиз, деб бизга ҳам такрор-такрор таъкидлашди.

Корхона цехларини айланамиз. Улар ҳувиллаб ётибди. Ўзини бош муҳандис Бўрибой Мирзаев деб таништирган суҳбатдошимиз бошида айтганлари ёлғонлиги билингач, уялиб қолди. Кейин ростига кўчди:

— Тўғриси, янги йилдан буён хом ашё йўқлигидан иш кетмаяпти. Ходимлар пул тўланмайдиган таътилда. Ҳали ишлар юришиб кетса ҳаммаларини чақирамиз.

— Кечирасиз, касабақўм раиси ким?

— Мен.

— Кўпдан буёнми?

— Раис этиб сайланганимга 4 йил бўляпти.

— Жамоада белгиланган тадбирлар қандай амалга ошириляпти?

— Ҳаммаси маблағга бориб тақалади. Шу боис ҳали биронта танлов, спорт мусобақаси ўтказганимиз йўқ.

Гап орасида 2000 йилда ва амалдаги йилнинг ўтган ойларида касабақўм ҳисобига қанча маблағ тушганини сўрадик. Лекин Бўрибой ака касабақўмлик вазифасини «қойиллатиб» бажараётганидан буни айтиб бера олмади.

Маъмурият ва касабақўм ўртасида тузилган жамоа шартномаси жамият раиси Чоршанби Ҳасановнинг «темир сандиғи»да экан. У билан учраша олмадик. Бир сўз билан айтганда Б.Мирзаев касаба уюшмалари Низомидан бехабар. Жамиятнинг ички меҳнат тартиб-қоидаси ишлаб чиқилмаган. Бирон ишчига моддий кўмак берилмаётганидан уяладию, бироқ ҳам раҳбар, ҳам касабақўм раиси сифатида муаммони ҳал этиш йўлларини ўйламайди, изланмайди.

Бунисиям майли. Бош ҳисобчи Менгбой Жумаев ишчилар ўртача маоши қанчалигини билмаслигига тааж-жубда қолдик. Балки айтишга арзигулик рақам бўлмаса иймангандир... Хуллас, меҳнаткашларнинг асосий қисми пул тўланмайдиган таътилда бўлгач, бу ерда ижтимоий ҳимоянинг қай аҳволда эканини тушуниб олаверинг. Кишини яна бир савол ўйлантиради: хўш, корхонага қачон хом ашё келтирилади-ю, ишлар қачон юришиб кетади?

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ



Мамлакатимиз тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.



Ҳур Ўзбекистонимизда тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш, энг катта бойлик — одамлар саломатлигини муҳофаза этиш, баркамол авлодни вояга етказишдек улуғвор ишингизда омад, муваффақият ёр бўлсин!

Назм гулшани

ГАРДИГА АЛИШМАМ ОЛТИНУ ЗАРНИ

Кетар бўлсам агар олис томонларга,
Йўлиқтирма мени нокас, ёмонларга.
Муқаддассан, сени бермам жаҳонларга,
Оламнинг бағри кенг, Ватан биттадир.

Бу дунё бевафо хаёлдай ўтар,
Умр оқар дарё, келару кетар.
Кимлардир хорижда хабарлар кутар,
Айланар чархи-дун, Ватан биттадир.

Қушлар ҳам инини бузгани қўймас,
Ўзга уяларнинг ишқида куймас.
Чин фарзанд улуснинг меҳрига тўймас,
Киндик қони томган Ватан биттадир.

Хом сут эмган, дерлар бани башарни,
Қуш қанотсиз, одам элсиз яшарми!
Гардига тенг кўрмам олтину зарни,
Онадай ягона Ватан биттадир.

Оллоҳ яратганда Одам Атони,
Деган бандаларнинг замин Ватани.
Мозори бўлмагай юртин сотганни,
Фарзандлар парвона Ватан биттадир.

ЭЛ ИШҚИДА ЁНМАСА ЮРАК

Чексизликнинг бағрига сингиб,
Эрк берасан хаёлларингга.
Ва ўйлайсан тушимми-ўнгим,
Ҳеч ким мадад бермагай сенга.
Шукроналар айтиб Оллоҳга,
Дейсан: ёлғиз ўзинг қўллагин.
Йўлдан чалғиб йиқилсанг чоҳга,
Дейсан: поклик эди тилагим.
Ташвиш билан эрта саҳардан,
Мусичадек билмайсан тиним.
Баъзан дўстга қиласан зарда,
Бўлмаганда ишингда унум.
Бу ҳаётнинг фалсафасидир,
Не кўргулик бўлса ўзингдан.
Тарк этмасин кўнглингни меҳр,
Имон нури ёнсин кўзингда.
Инсон зотин тушунмоқ керак,
Лекин қалбин билмоқлик қийин.
Эл ишқида ёнмаса юрак,
Яшаш бекор, ҳаёт бир ўйин.

Иззат ҲИКМАТОВ.

Ажабо, нақадар гўзал!



Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Россиянинг Красноярск ва Минусинск шаҳарларида ўтказилган катталар ўртасида дзюдо бўйича иккита йирик халқаро турнирда мамлакатимиз спортчилари 14 та медални қўлга киритди.

Красноярскда, жаҳоннинг энг кучли дзюдочилари иштирок этган мусобақаларда ўзбекистонликлар юқори маҳорат намойиш этди. Оғир вазнлилар ўртасида бўлиб ўтган беллашувларда А.Тангриев олтин, М.Соколов кумуш ва В.Перепейко бронза медалига сазовор бўлди. Шунингдек, М.Каликулов (66 килограмм) ва Л.Йўлдошев (81 килограмм) олтин медалларни қўлга киритди. Э.Акбаров кумуш, И.Расулов (60 килограмм), У.Саломов (100 килограммгача) бронза медалларига сазовор бўлди.

Шундан сўнг дзюдочиларимиз Минусинскдаги турнирда ҳам иштирок этиб, ўз маҳоратларини яна бир исботлашди. А.Тангриев олтин, Э.Акбаров, М.Соколов кумуш, И.Расулов, С.Петренин ва У.Саломов бронза медаллари соҳиблари бўлишди.

(ЎзА).

Олтин мерос

«АВЕСТО» — МАЪНАВИЯТ ЧАШМАСИ

«Авесто» — халқимиз маънавиятининг чашмасидир. Унда маданий меросимизнинг бебаҳо хазинаси, доно бобокалонларимиз тафаккур гулшани тўла акс этган. «Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни бори эзгу ўйларга, эзгу сўзлар (айтиш)га, яхши ишлар амалига бахшида қиламан, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман».

Инсоннинг ўйи тоза, пок бўлса, сўзи рост, қилган ишлари тўғри бўлса, у комилликка яқинлашади. Эзгуликнинг мана шу уч унсури инсоннинг маънавий қиёфасини белгилайди.

«Авесто»нинг илоҳий китоблигини назарга олсак, эзгу сўз нафақат даъватнома, балки ҳукмномадир. Яъни, бажарилиши шарт, сўзсиз ижро қилиниши зарур бўлган инсоний бурчдир.

Аждодларимизда тил билан дил бир бўлиб, иккиюзламачиликдан ҳазар қилишган, алдаш ва сўздан қайтиш номардлик ҳисобланиб, ундайлардан жамият жирканган. Бебаҳо хазинамиз шунчалик мукаммалки, уни ўқиб ўрганганинг сайин, янги қирраларни кашф этасан.

Эзгу ният — мен Яратганим,
О Заратуштра,
Ҳақиқат ҳам бунёд этдим
Мен.
Ҳокимият — барчага мақбул,
Менинг ҳукмим ила пайдодир.
Муқаддас тақводорлик —
Менинг иродам.
Бағри бутунлик ва Абадият
Тақводорлик мукофотидир,
У дунёсин — обод айлагай, —
Бу ҳам менинг ҳилқатим.

Яратганнинг бандаларига ато этган неъматлари мўл-кўл, сероб, санаб саноғига етолмайсиз. Аммо биз бу ерда «Эзгу ният», «Ҳақиқат», «Барчага мақбул ҳоким мен»га ошиқ бўлиб қоламиз. «Муқаддас тақводорлик» ҳам унинг иродасидир. «Бағри бутунлик» сифатида ҳам минг-минг олам маъно ва мазмун жонланган. «Абадият» ҳам унга тегишли. «У дунёсини» дейишлик асл тақводорнинг азалий орзусидир. Ҳақиқий эътиқод қилувчилар бу дунёни ўткинчи деб биладилар. Айни вақтда «У дунёни» дегувчилар гуноҳдан ҳазар қиладилар, ёмон ишларга қўл урмайдилар. Донишмандлардан бири «Худодан қўрққандан қўрқманглар» деганда мутлақо ҳақ эди.

Менга сиғин, О, Зардушт,
Тун сиғин, кундуз сиғин,
Хайру эҳсонлар қилгин,
Сидқу қурбонлар қилгин,
Қилгин неки муносиб,
Шунда мен ҳозир бўлиб
Ёрдамга ошиқарман,
Шунда сенга мададга
Шошар эзгу Сраоша (маъбуд).
Мададкор бўлар сенга
Сувлар ҳамда наботот
Ва художўй Фравашлар.

Чин эътиқод одамни поклайди, ножўя саъй-ҳаракатлардан асрайди. Тангрига иймон келтириш кўнгилни бутлайди. «Туну кун сиғинишлик» эътиқодни мустаҳкамлайди. «Хайру эҳсонлар»да ҳам сир-асрор кўп, доно халқимиз «Садақа радди бало» деб бекорга айтмаган.

«Авесто» ҳикматларида фикрлар чақмоқдек чарақлайди, офтобдек ярқирайди. Таъкидлаш жоизки, асарда қандай муаммо кўтарилмасин, маънавий юксакликка, руҳий камолотга хизмат қилади.

Фано ичра кимки,
О Зардушт.
Такрорлар барча номим,
Такрорлар кеча-кундуз,
Тура айтар уларни,
Ёта айтар уларни,
Белбоғин боғлай айтар,
Белбоғин еча айтар,
Уйидан чиқа айтар,
Сафар олдидан айтар.
Юртидан кета айтар,
Юртига қайта айтар.

Дарҳақиқат, Яратганнинг номини такрорлашда ҳам сир-синоат бисёр. Тақводор учун савобдан афзалроқ мукофот йўқ, бунинг устига Олий Илоҳнинг раҳматига сазовор бўлишлик тенгсиз бахтдир. «Фано ичра кимки...» жумласининг ўзи кишини сергакландиради, одамни эҳтиёткорликка ундайди, ёмонликлардан ҳазар қилишга чорлайди. Дарвоқе, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг тариқатларида ҳар нафасда Оллоҳни ёд этиш зикр этилади.

О, Спитома Зардушт,
Билиб олгин ва идрок этгин,
Садоқатли ақлу билигим бирла
«Энг эзгу дунё қандай пайдодир,
Охирати унинг не бўлур?»

Яратганнинг «ақлу билиги бирла...» ошно бўлишлик, унга етишишлик олий мақомдир. «Энг эзгу дунёнинг пайдо бўлиши» ҳақида ҳам, «охират» ҳақида ҳам ажрим чиққан, рўй-рост қилиб тушунтирилаяпти. Олий Илоҳнинг кароматлари рақам қилиниб, ошуфта этилаяпти:

Минг чора, минг туман тадбир
«Бор» муқаддас тақво учун
Муқаддас имон кучила бузинг
Кўнгилларда кину ғаразни.
Қулоқларин беркитинг унинг,
Панжасидан тутинг беомон,
Оёқларин мажақлаб ташланг —
Адоватни боғланг (берманг унга ён).

«Муқаддас имоннинг кучи...» бетакрордир, у «кину ғаразни» қувади, «Адоватни» йўқ қилади, савоб ишларнинг бошида туради. Бу эса ҳақиқий инсонийлик, баркамолликдир. «Авесто» кирланган дилларни тозалайди, хираланган руҳни поклайди. Қалбингни мунаввараштириб, ором денгизида суздиради. Атрофга муаттарлик таратиб, ажиб хушхоллик ато этади. Ақлни пешлаб, дунёқарашингни кенгайтиради.

Чашманинг зилол сувлари битмас-туганмасдир, қанчалик чанқоғингизни қондирманг, янги-янги «кўз»лари очилиб, башариятга беназир хизмат қилаверади.

Тақводор зот, о Мазда,
Ёлғончилик енгарми?
Ёлғончини енгиб Тақводор,
Ёлғонни ҳам енгарми охир?
Худо сўзин эшитган чоғда
Аҳура Мазданинг қулоқларига
Таъзим ила намоз элтармиз,
Худо сўзин хотирда тутган
Аҳурамазданинг оқиллигига
Таъзим ила намоз элтармиз,
Худо сўзин айтиб тургувчи.
Аҳурамазданинг тилига (чексиз)
Таъзим ила намоз элтармиз.
Ушида ва Ушидарна
Тоғларига таъзим этармиз.
Хайру эҳсон бағишлаб тун-кун
(Намозимиз бари ул учун).

Яратганнинг ўзи бунёдкордир. Оламдаги барча жонли-ю, жонсизларни яратган зотга тоат этиш, унга талпиниш, сиғиниш иймонни бутлайди, инсонни поклайди.

Умуман, «Авесто» ҳикматлари бамисли бебаҳо хазина. У инсониятга мана уч минг йилдан буён беминнат хизмат қилаётир. Ҳа, «Авесто» одамзотни эзгуликка чорловчи эзгу сўз, эзгу амаллар дурдонасидир.

Мусоқул УСМОНОВ,
профессор.

Жума ўгитлари

ЎЗИНИ АНГЛАШ ҲАҚИДА

Билимни ўрганмоқ учун меҳнат қилиш, баданни дангасаликдан қутқариш фойдалидир. Чунки дангасалик, ишёқмаслик баданнинг бузилишига, касалланишига сабабчи бўлади. Агар меҳнат қилиб баданни ўзингга бўйсундирмасанг, соғлом ва баланд мартабали бўла олмайсан, чунки бадан ҳаракатсизликни, роҳатни дўст тутгани сабабли, ўз ихтиёри билан сенга бўйсунмайди. Шунинг учун ҳам бадан ўз-ўзидан ҳаракат қилмайди, у ҳаракатни фармон билан қилади ва сен буюрмагунингча баданнинг ҳеч ишга рағбати бўлмайди.

Эй фарзанд ярамас ишлардан, ёлғондан, қаноатсизликдан уял, тўғрисўз ва манфаатли ишдан шарм қилмагил, чунки шундай кишилар бўладики, улар шарм қилиб ўзларининг ҳамма мақсадларидан айриладилар.

Уятчанлик — имоннинг маҳсули бўлганидек, камбағаллик ҳам уятчанликнинг мевасидир. Шунинг учун қаерда шарм қилишни, қаерда шарм-ҳаё қилмасликни билиш лозим. Қайси бири яхши бўлса, шуни қилиш зарур, чунки яхшиликнинг дастлабки шарт-шароити ҳаёдир.

Нодон билан ҳамсуҳбат бўлмагил, хусусан, сени доно гумон қилган нодон билан ҳеч суҳбатлашма. Ўз жаҳлингдан хурсанд бўлмагил. Яхши ном чиқарган кишилар билан суҳбат қилгилки, яхшилар суҳбати билан яхши номга эга бўласан ва ҳамиша саъй-ҳаракат қилгилки, олимларнинг севимли кишиси бўлгайсан, жоҳилларнинг маҳбуби бўлмагайсан. Чунки жоҳилларнинг мақтовига сазовор бўлган киши қувғинга дучор бўлар.

(«Қобуснома»дан).

Спорт

Сир эмаски, истиклол туфайли спортчиларимиз учун халқаро майдонга кенг йўл очилди. Вакилларимиз қисқа вақт мобайнида катта муваффақиятларга эришдилар. Мамлакатимиз терма жамоалари таркибида кўплаб андижонлик спортчилар ҳам бор.

АНДИЖОН МАКТАБИНИНГ ШУҲРАТИ

Бинобарин, ўтган йили Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказилган 27-Олимпиада ўйинларида, андижонлик Муҳаммадқодир Абдуллаев юртимизга биринчи Олимпиада олтин медалини келтирди. Унинг жамоадоши Ўткирбек Ҳайдаров эса 1999 йили Америка Қўшма Штатларининг Хьюстон шаҳрида ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионати ғолиби бўлди.

— Андижон спортида бундай ёрқин саҳифалар кўп, — дейди вилоят спорт қўмитаси раиси Мадорбек Муҳитдинов. -Бу бежиз эмас. Халқаро мусобақаларда қатнашаётган ҳар бир спортчи Ватан туйғусини чуқур ҳис этган ҳолда майдонга тушади.

Юқорида номлари келтирилган «чарм қўлқоп» усталаридан ташқари Тўлқинбой Турғунов, Сергей Михайлов, Руслан Чагаев, Темур Тўлаков, Қувончбек Тойғонбоев, Ғайратбек Аҳмедовлар ҳам мамлакат, қитъа, жаҳон чемпионатлари, Халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашиб, Ўзбекистонимиз шуҳратига шуҳрат қўшиб келмоқда. Уларнинг изидан бораётган Нодирбек Умаров, Хуршид Мадаминовлар эса ўтган йили Венгрияда ўтказилган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатида кўнгилдагидек иштирок этдилар. Демак, вилоятда Муҳаммадқодир, Ўткирбек, Русланларнинг ўрнини босадиган ўнлаб истеъдодли ёшлар камол топмоқда.

Оғир атлетикачи Игорь Халилов, мерганлик спорти устаси Алёна Аксёнова, гимнастикачи Анастасия Дзюндзяк, чим хоккей усталари Наталья Широковских, Муҳайё Асқарова, юнон-рим курашчиси Муҳаммадумар Мадаминовларнинг номларини бугун мамлакатимиздан ташқарида ҳам яхши биладилар. Андижонлик хоккейчи йигитлар истиқлолга эришганимиздан буён ўтказилган мамлакат чемпионатларида узлуксиз карвонбошилик қилиб келмоқда. Чим устида хоккей ва аёллар футболидан «Андижанка» ҳамда мини футбол бўйича «Турон-С» жамоаларининг республика, қолаверса, халқаро миқёсдаги мусобақаларда эришаётган ютуқлари барчани қувонтирмоқда. Бу муваффақиятларда хизмат кўрсатган мураббийлар — Валентин Золотарев, Марс Қўчқоров, Александр Размахов, Ринат Маматказин, Мирон Ким ҳамда Зарифа Юсупова, Ҳошимжон Абдураҳмонов, Баҳром Расулов, Валишер Норматов, Рафиқ Шириев сингари ўнлаб таниқли устозларнинг хизматлари катта, албатта. Умуман олганда, истиқлол йилларида андижонлик спортчилар Олимпиада ўйинлари, жаҳон, Осиё биринчиликларида ва халқаро ўйинларда 38 та олтин, 40 та кумуш, 33 та бронза медалини қўлга киритганлиги вилоят спорти шуҳратидан дарак беради.

Айни пайтда вилоятда келажакда таниқли спортчиларнинг ўрнини босадиган иқтидорли ёшлар камол топмоқда. Андижон шаҳридаги Республика Олимпия ўринбосарлари билим юрти терма жамоаларимизга етук спортчилар тайёрлаб бериш, уларни халқаро майдонларга олиб чиқишдек эзгу ишларни амалга оширмоқда. Хизмат кўрсатган мураббий Дилшодбек Ҳамзаев раҳбарлик қилаётган билим даргоҳи талабаларидан 60 нафардан зиёди ҳозирги кунда терма жамоаларимиз аъзолари ҳисобланади.

Яна бир қувончли ҳол, вилоятда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадда кейинги ўн йилда бирбиридан чиройли, муҳташам спорт иншоотлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Шулар жумласига кирадиган Андижон теннис саройида йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бошқа шаҳар ва туман марказларида ўнлаб теннис кортлари пайдо бўлди. Марказий «Наврўз» ўйингоҳи эса халқаро талаблар даражасида қайта қурилди. Айни пайтда вилоятдаги 26 та ўйингоҳ, 533 та спорт зали, 24 та сузиш ҳавзаси, 3183 та спорт майдони, 61 та теннис корти, 594 та футбол майдончаси ва бошқа иншоотлар аҳоли саломатлиги, ёшлар баркамоллиги йўлида хизмат қилмоқда.

Муҳаммаджон КАРИМОВ.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

Нафис санъат кафедраси

Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетида янги йўналиш - нафис санъат ихтисослиги бўйича кафедра очилди. Университет илмий кенгаши мажлисида ана шундай қарор қабул қилинди. Бундан кузатилган асосий мақсад Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган таълим стандартларини кенг қўллаш, санъат ва адабиёт таълимини уйғун ҳолда олиб боришдан иборатдир.

Нафис санъат кафедрасига янги ўқув йилида 25 талаба қабул қилинади.

Биласизми?

ТАБИАТ «СИРИ»

Ривоятларга қараганда, буюк юнон файласуфи Аристотель кунларнинг бирида Эврин дарёси қуйилишида сув сатҳининг бир кеча-кундузда 14 марта кўтарилиб тушишини пайқаб қолади. Олим бу ҳодисанинг сабабини билишга ҳарчанд ҳаракат қилмасин, уддасидан чиқолмайди.

Океан ва денгизлар суви сатҳининг вақти-вақти билан кўтарилиб ва яна ўз ҳолига қайтишининг барча сабаблари ҳозирда фанга маълум. Бу табиий ҳодиса бир пайтлар тахмин қилинганидек, фақат Ойгагина боғлиқ бўлмай, унинг содир бўлишида тортиш кучи Ерга сезилиб турадиган бошқа астрономик объектларнинг ҳам маълум даражада иштироки бор.

Бу ҳодиса Ой ва Қуёшнинг узоқлашишига, Ернинг ўз ўқи атрофида айланишига, Ерга нисбатан Қуёш ва Ой орбиталарининг оғишига, шунингдек океан ҳамда денгизнинг чуқурлиги ва рельефига боғлиқ экан.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вакти - 21.00
Топширилди 22.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6